

Тошкент шаҳри.

«__»_____ 2009й.

Бир тарафдан ОАТБ «Микрокредитбанк» номидан бўлим тўғрисидаги низом асосида иш юритувчи ва кейинчалик «Банк» деб аталувчи «Микрокредитбанк» ОАТБ Амалиёт бошқармаси бошлиғи Аловхонов Шокир Рашидович бир тарафдан ва қуйида «Мижоз» деб аталувчи, ўз Низоми асосида иш юритувчи _____ рахбари _____ куйидаги шартномани туздилар:

1.Шартноманинг мавзуси:

Банк мижознинг ҳисоб варағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ёки киритиб қўйиши, мижознинг ҳисоб варағи бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларни бажариш ишларини олиб боради.

2.Томонларнинг мажбуриятлари:

2.1. Банк мажбуриятлари:

2.1.1.Мижозга кенг қўламли ҳисоб-китоб касса хизмати кўрсатиш, унинг топшириғига биноан амалдаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган барча ҳисоб-китоб ва касса операцияларини ўтказиш, шу жумладан;

- мижознинг унга тегишли бўлган пул маблағларини бир ҳисоб рақамидан бошқа ҳисоб рақамларига ёки бошқа шахсларнинг ҳисоб рақамларига унинг маблағи бўлган тақдирда тўлов ҳужжатларига асосан ўтказиш;
- ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга ошириш;
- мижознинг топшириғига кўра, унга тегишли пул маблағларини бошқа юридик ва жисмоний шахслардан мижоз ҳисоб рақамига ўтказиш;
- Қонунда кўрсатилган ҳолларда, мижоз номидан нақд пул қабул қилиш ва унга нақд пул бериш.

2.1.2.Ҳисоб-китоб касса хизматига бевосита боғлиқ бўлмаган (кредитлаш, факторинг, лизинг, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, жойлаштириш ва сақлаш, ишонч ва бошқа операциялар) бошқа хизматлар мижоз билан алоҳида шартномаларга асосан амалга оширилади.

2.1.3.Мижозга қатъий белгиланган вақтларда соат 8:30 дан 16:00 гача шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари хизмат кўрсатилади.

2.1.4.Мижознинг топшириғи бўйича ҳисоб-китоб операциялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш қоидаларига асосан амалга ошириш, мижознинг ҳисоб рақамидаги пул маблағларини унинг розилигисиз ҳисобдан чиқариш қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

2.1.5.Тўлов ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг қонунийлиги, барча зарур реквизитларнинг тўғри расмийлаштирилишини текшириш ва тўлов ҳужжати тақдим қилинган куни тўловни амалга ошириш;

2.1.6.Мижоздан пул тушумларини касса иши қоидаларига мувофиқ қабул қилиш.

2.1.7.Мижозни ҳақ эвазига ҳисоб-китоб ҳужжатлари: чек дафтарчалари ва банкнинг иш юритиш қоғозлари билан таъминлаш. Мижознинг талаби билан унинг ишончли вакилига зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ҳисоб варақасидан кучирма олиб бериш.

2.1.8.Банк мижоз ҳисоб рақамидаги операцияларнинг махфийлигини қафолатлайди. Мижознинг розилигисиз учинчи шахсларга ҳисоб рақамидаги операциялар ҳақидаги маълумотлар амалдаги қонунларда назарда тутилган ҳолларда берилади, мижозлар ҳисоб рақамларидаги маблағларни бутлигини таъминлаш.

2.1.9.Мижозга ҳисоб-китоблар, банк техникаси, ҳужжатлар айланиш қонунлари ва ҳисоб-китоб, касса хизмати билан боғлиқ бошқа масалаларида маслаҳат бериш.

2.1.10.Ҳисоб-китоб касса ҳужжатларининг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида жиддий шубҳа туғилса, мижознинг биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларни хабардор қилган ҳолда, банк операцияларини ўтказишдан воз кечиш лозим, мижоз тўловига асосан мижознинг мақсадга мувофиқ тушмаган маблағларни топиш.

2.2. Мижоз мажбуриятлари:

2.2.1.Банкка ҳисоб варағи очиш ва юритиш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим қилиш.

2.2.2.Банкдаги ўрнатилган иш тартибига, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим қилиш қоидаларига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг амалдаги йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлари талабларини бажариш.

2.2.3.Мижознинг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун банкка йилнинг хар чорагида режалаштирилаётган чоракдан 30 кун олдин касса буюртманомаси бериш.

2.2.4.Банк кассасидан нақд пул олиш олдидан банкка чек дафтарчасини тақдим этиш.

2.2.5.Банкнинг ҳисоб-китоб, касса хизмат ҳақини ушбу шартноманинг тўртинчи бўлимида белгиланган тартибда тўлаш.

2.2.6.Ўз ҳисоб рақамига нотўғри келиб тушган маблағлар ҳақида ҳисоб рақамидан кўчирма олган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни давомида банкка бу ҳақида хабар бериш. Банк талабига асосан бошқа давлатлар билан тузган контрактларга асосан экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ барча ҳужжатларни тақдим этиш.

2.2.7.Депонент қилинган ойлик, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўрнатилган тартиб ва муддатларда банк кассаларига топшириш.

2.2.8. 3 (уч) кун ичида банкка миқдорлар манзили, номи ва телефон рақамлари ўзгарганлиги ҳақида маълумотларни топшириш.

2.2.9.Низом фаолияти ўзгарган ва кўшимчалар киритилган тақдирда банкка гувоҳнома нусхасини тақдим этиш. Кейинги ойнинг бешинчи санасигача муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзлари тўғрисида маълумот топшириш.

2.2.10.Агар барча турдаги, шу жумладан транш маблағларни оборотини кўшиб ҳисоблаганда ўртача ойлик обороти 10 минимал иш ҳақидан кам бўлса, 1-даражали тўловларни амалга ошириш учун ҳисоб рақамида энг кам иш ҳақининг 5 (беш) баробари миқдорида маблағ бўлишини таъминлаш.

3. Томонларнинг ҳуқуқлари:

3.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1.Мижоз томонидан амалдаги қонунларни хусусан банк қоидаларини, шу жумладан ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ўз муддатида банкка тақдим қилиш тартибини бузганлигини тасдиқловчи факт аниқланса, ҳисоб-китоб ва касса операцияларини ўтказилишини рад этиш.

3.1.2.Мижознинг банк ҳисоб рақамидаги пул маблағларидан молия ресурслари манбаи сифатида фойдаланиш, бунда уларнинг мавжудлигини ҳисоб варағига талаблари тақдим этилганда, унинг эгасининг ҳисоб варағида мавжуд бўлган суммалар доирасида ушбу маблағлардан тўсиксиз фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди.

3.1.3.Касса интизомига риоя қилинишини текшириш.

3.1.4.Мижознинг айби билан банкка зарар етказилган бўлса, миқдорнинг ҳисоб рақамидан зарар суммасини ҳисобдан чиқариш.

3.1.5.Мижоз розилигисиз унинг ҳисоб рақамидан қонунда кўрсатилган ҳолда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга ва бошқаларга пул маблағларини кўчириш.

3.2. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1.Амалдаги қонунлар билан бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, ўзининг ҳисоб рақамида мавжуд маблағларидан мустақил равишда фойдаланиш.

3.2.2.Банкка ҳисоб-китоб, касса хизмати бўйича топшириқлар бериш, инкасса талабномалари бўйича топшириқларини бажарилганлиги тўғрисида сўровлар қилиш:

3.2.3. Амалдаги қонунларда кўзда тутилган ҳолларда нақд пул олиш:

3.2.4.Банк биносида ва унинг вакиллари иштирокида нақд пулларни ҳисоблашда аниқланган нақд пулларнинг камомади тўғрисида эътироз билдириш:

3.2.5.Банкнинг айби билан етказилган зарарларнинг ундирилишини талаб қилиш:

3.2.6.Банкдан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни расмийлаштириш қоидалари ва унга кўрсатилаётган узгаришлар ҳақида ахборот олиш:

4. Банк хизматига тўловлар тўлаш тартиби ва миқдори.

4.1.Мижозга ҳисоб-китоб, касса хизмати кўрсатилганлик учун тўлов операциялари туридан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар амалга оширилади:

- ҳисоб варақ очиш (иккиламчи, ссуда, транш ва бошқа ҳисоб рақамлар)-энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорида;
- ҳисоб-тўлов операцияларини ўтказиш учун тўлов суммасидан 1,0 % миқдорида;
- аккредитив счет очиш учун -энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида;
- аккредитив шартларини узгартириш ва бекор қилиш - энг кам ойлик иш ҳақининг ун баробари миқдорида;
- нақд пул чек дафтарчалари учун – харид қийматида 20 фоиз устама ва қўшилган қиймат солиғини кўшган ҳолда хизмат ҳақи олинади;

- инвестиция мақсадлари учун махсус ҳисоб варағи очиш учун йиллик маблаг миқдорининг 2 фоиз миқдорида;
- маълумотнома, тасдиқнома, ҳисоб рақамдан кучирма, нусха ва хатлар бериш учун – ҳар бир ҳужжат учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 дан 1 баробаригача булган миқдорида;
- миждоз томонидан кучирилган дивидентларни нақд пул билан таъминлаш –туланган маблагнинг 6,0% миқдорида;
- кафолатлар ва кафилликлар бўйича ҳужжатларни қабул қилиш, текшириш ва жунатиш учун –ҳар бир ҳужжат учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида;
- банк миждоз дастури учун ойлик абонент тулови энг кам ойлик иш ҳақининг 25 000 сум миқдорида;
- ҳисоб рақамини ёпиш ва маблагларни бошқа банкга утказиш –хизмат ҳақи туланмайди;
- миждоз бошқа банк хизмати туловларини Банк Бошқаруви Қарори билан тасдиқлаган Тарифлар асосида тулайди.

4.2. Банк томонидан миждозга кўрсатилган хизматлар бўйича дебитор қарзлар вужудга келтирмаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 май фармониға мувофиқ банк хизматлари учун миждознинг тўлов операцияси ўтказиш билан бир вақтда миждознинг тўлов топширикномасиға асосан утказилади ёки банк томонидан акцептсиз тартибда мемориал ордер билан ундириб олинади. Банк хизмат ҳақини бу тартибда ундириш миждознинг барча (асосий, муваққат, қарз, субҳисоб ва депозит) ҳисоб варақларидан утказилаётган тўлов операциялариға тадбиқ этилади. Миждоз ҳисоб варағи орқали пул маблагини ўтказишда банк хизмат ҳақини тўлаш учун тўлов топширикномаларини ижро қилишға бир вақтда банкка топшириши керак. Миждоз томонидан банк хизмат ҳақи учун тўлов топширикномаси топширилмағанда ёхуд миждознинг ҳисоб варағидан қонунда кўрсатилган ҳолларда миждознинг розилигисиз пул маблагини утказилганда банк томонидан хизмат ҳақи мемориал ордер билан ундириб олинади.

4.3. Миждоз депозит ҳисоб рақамидаги қолдиги учун банк томонидан йиллик 0% туланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги:

5.1. Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун томонлар қонунларға биноан жавобгарликка тортиладилар.

5.2. Банк миждознинг ҳисоб рақами бўйича операцияларни уз вақтида ва туғри акс эттирилиши учун жавобгардир. Маблаглар миждоз ҳисоб варағидан кечиктириб утказилган ёки нотуғри ҳисобдан чиқарилган ҳолларда банк муддатидан утган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,05% миқдорида жарима тулайди. Миждознинг ҳисоб варағидаги маблагларини кўчиришға унинг розилигисиз руҳсат этилган меъёрий ҳужжатлар бўйича қонунда белгиланган ҳолларда йул қўйилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари банкнинг айби билан йукотилганда миждозга бириктирилган ҳар бир кун учун ҳисоб-китоб ҳужжатида кўрсатилган сумманинг 0,05% миқдорида жарима тулайди.

5.3. Миждоз ҳисоб варағиға бегона маблаглар утказилганлиги тўғрисида ҳисоб варағидан кучирма олғач, 2 иш куни давомида банкка хабар бермаганлиги учун узига тегишли бўлмаган сумма ҳисоб варақка утказилгандан кейинги ҳар бир кун учун бегона сумманинг 0,05% миқдорида жарима тулайди.

6. Фавқулодда ҳолатлар.

6.1. Агар шартноманинг бажарилмаганлиги шартнома тузилгандан сунг юзаға келган сув тошқини, енгин, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго, уруш ҳаракатлари каби ҳолатлари оқибати ҳисобланса, бирорта ҳам томон ушбу шартнома бўйича ҳар қандай уз мажбуриятларининг тулик ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

6.2. Техник ёхуд компьютер дастурларни қуллаш муносабати билан миждозлар учун банк хизмати кўрсатилмаган тақдирда банк мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади.

6.3. Агар банк мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажарилиши мумкин эмаслиги икки ойдан ортиқ вақт мобайнида мавжуд бўлса, миждоз банкнинг мумкин бўлган зарарларини қоплаш бўйича мажбуриятсиз шартномани тулик ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқиға эға булади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1. Ушбу шартнома томонлар имзо чеккан кундан бошлаб кучға қиради ва томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинғунға қадар амал қилади. Шартнома шартлари миждоз томонидан очилган барча (асосий, муваққат, қарз, депозит суб-ҳисоб ва бошқа) ҳисоб варақлариға тадбиқ этилади.

7.2. Ушбу шартномаға барча узғаришлар ва қушимчалар томонларнинг қелишуви бўйича ёзма шаклда амалға оширилади.

7.3.Банк ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш ҳақида шартнома миждознинг аризасига биноан, банкка барча карзларини тулагач, исталган вақтда бекор қилинади.

7.4.Шартнома бекор қилинган кундан бошлаб 7 кун мобайнида банк миждознинг ҳисоб варағини ёпади ва маблағлар колдигини миждознинг ёзма аризасига биноан бошқа ҳисоб варағига утказди. Агар шартнома бекор қилинган кундан бошлаб 7 кун давомида миждоз колдик маблағларини бошқа ҳисоб варағига ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаган тақдирда банк бир томонлама тартибда миждознинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳамда чекларини ижро учун қабул қилишни тухтатади.

7.5.Банкнинг талабига кўра банк ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш тўғрисида шартнома қуйидаги холларда бекор қилиниши мумкин:

- миждоз томонидан мунтазам равишда шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда;
- миждоз 6 ой давомида ҳисоб варақ бўйича операциялар утказмаса (қонун ҳужжатларида бошқа холатлар кўзда тутилмаган булса), шартнома бекор қилиниб, ҳисоб варақ епилади.
- миждоз томонидан корхонани тугатиш чоралари қурилмаган тақдирда, КАРТОТЕКА-2даги карздорликларни руйхати тузилиб, «Банкротлик тўғрисида» қонунга мувофиқ корхонани тугатиш материаллари солиқ органларига топширилади.

8. Шартноманинг бошқа шартлари

8.1.Ушбу шартноманинг бажариш масалаларида банк ва миждоз уртасида низолар юзага келган тақдирда томонлар уларнинг узаро музокаралар йули орқали хал этиш учун барча чораларни қурадилар. Томонлар келиша олмаган зиддиятлар амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланган тартибда ҳужалик суди орқали хал қилинади.

8.2.Миждознинг бошқа шахслар билан ҳисоб-китоб бўйича узаро даъволари улар томонидан банкнинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

8.3.Банк ва миждоз ўртасида ушбу шартнома билан кўзда тутилмаган муносабатлар юзага келганда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларга таянади.

8.4.Ушбу шартнома тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди. Шартноманинг бир нусхаси банкда иккинчи нусхаси миждозда қолади.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

Банк: «Микрокредитбанк» ОАТБ Амалиёт бошқармаси мфо 00433

Манзили: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Лутфий кучаси 14 уй. Индекс 100096

Телефон рақмлари: 273-05-87, 273-05-86, факс 273-15-81

Миждоз: _____

Манзили: _____

«Микрокредитбанк» ОАТБ
Амалиёт бошқармаси бошлиғи

Ш.Р.Аловхонов

Бош муҳосиб

Л.В.Козлова

Ҳуқуқ маслаҳатчиси

З.Маккамов

Миждоз: _____

Раҳбар: _____

Муҳосиб: _____

